

## ТАРҒИБОТ ВА ТАШВИҚОТ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

**М.Т. Вахабов**

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети.иштимой- гуманитар фанлар,жисмоний маданият ва спорт кафедраси катта ўқитувчиси

**Л.Ў. Жамолов**

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети.иштимой- гуманитар фанлар,жисмоний маданият ва спорт кафедраси доценти

**О.Р. Турғунбоев**

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети.иштимой- гуманитар фанлар,жисмоний маданият ва спорт кафедраси доценти

### АННОТАЦИЯ

Ижтимоий фалсафада тарғибот ва ташвиқот феноминини, маънавий соҳада уларнинг амал қилиш қонуният ҳамда принципларини тадқиқ этишнинг бошланиши уларга илмий таъриф беришдир. Ушбу мақолада тарғибот ва ташвиқот тушунчалари, уларнинг луғавий маъносидан тортиб турли давирларда тарғибот ва ташвиқот тушунчаларини турли хил талқинлари, мустақил Ўзбекистон тараққиётида амалга оширилаётган маънавий тарғибот ва ташвиқот, уларнинг мазмун ва моҳияти каби муҳим масалалар ўрин олган.

**Калит сўзлар:** тарғибот, ташвиқот, юрт тинчлиги, бунёдкор ғоялар, ижтимоий туйғулар, одатлар, ижтимоий онг, пропаганда, агитация, позитив, негатив, икки кутибли дунё.

### КИРИШ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш соҳаларида ибратли ишлар амалга оширилди[1:1].

Аммо бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар таборо кўпайиб бормокда. Будаё мурраккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий

баҳолаб шу соҳадаги фаолиятимизни замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақоза этмоқда[1:1].

Демак тарғибот ва ташвиқот соҳасини такомиллаштириш, бу масалага илмий ёндашув давр талабидир. Айнан шу масала тарғибот ва ташвиқот тушунчаларини тадқиқот объектига айлантиради.

Тарғибот ва ташвиқот тушунчалари, уларнинг онтологик асосларини тадқиқ этиш асносида “маънавий тарғибот” ва “маънавий ташвиқот” тушунчаларига илмий таъриф бериш, уларни тавсифлаш орқали сифатий хусусиятларини очиқ бериш ушбу мақолада асосий мақсад килиб олинган.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Жаҳон адабиёти ва матбуотида биз таҳлил қилаётган тушунчалар лотин тилидан олинган пропаганда ва агитация атамалари билан ифодаланади.

**Пропаганда** (лотинча **propaganda** – иймон тарқатиш деган маънода) – жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш мақсадида турли хил ахборот, маълумот, далил ва даъволарни, шу жумладан, ёлғон хабар ва миш-мишларни тарқатиш жараёнини англатади. Пропаганда атамаси 1622 йили Рим папаси Григорий XV томонидан тузилган католик ташкилот – Congregatio de propaganda fide (“Тарқатилиши лозим бўлган иймон конгрегацияси”) номидан олинган[9:539].

Москвада чоп этилган “Философский энциклопедический словарь”, “Большая советская энциклопедия” каби қомусларда, албатта, ўша давр руҳига тўла мос равишда пропаганда ва агитация синфий, партиявий ёндашув асосида талқин қилинган, коммунистик пропаганданинг буржуа пропагандасидан гўё афзаллиги “исботланган” эди[9:539],[8:1081].

Хусусан, совет энциклопедик луғатида қуйидаги таъриф учрайди:

Пропаганда (лотинча **propaganda** – иймон тарқатиш) – жамоатчилик онгига сингдириш ва амалий фаолиятни кучайтириш мақсадида турли хил сиёсий, фалсафий, илмий, бадиий ва бошқа турдаги ғоя ҳамда қарашларни тарқатиш. Пропаганда жараёнининг асосий элементлари: пропаганда субъекти (муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам бўлиб, унинг манфаатлари пропагандада ифода этилади); пропаганданинг мазмуни; шакл ва методлари; пропаганданинг воситалари ёки каналлари (радио, телевидение, матбуот, лекция пропагандаси ва ҳ.к.); пропаганда объекти (тарғибот қилиш мўлжалланган аудитория ёки социал қатлам)[8:1081].

Пропаганданинг моҳиятини англаш учун ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган ҳолат – пропаганда субъектининг ижтимоий манфаатлари, уларнинг жамият, ундаги турли гуруҳлар эҳтиёж ва манфаатларига мос келишидир.

Фалсафа қомусий луғати пропаганда ва агитация масалаларига бироз батафсилроқ тўхталган бўлиб, унда қуйидаги таъриф ва тавсифни учратамиз:

1) кенг маънода – муайян қараш, тасаввур ва ҳиссиётларни шакллантириш, одамларнинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатига таъсир ўтказиш мақсадида билим, ахборот, маълумот, бадиий қадриятларни тарқатишдан иборат махсус ижтимоий фаолият тури. Маънавий қадриятларни тарғиб қилиш конкрет вазиятни ҳисобга олишни, аудиториянинг хусусиятларини эътиборда тутишни, тингловчиларнинг савиясига қараб у ёки бу усул ва воситалардан фойдаланишни тақозо этади. Пропаганда жараёнида аксарият ҳолларда илм-фан, санъатни оммалаштириш билан бир қаторда, уларнинг бойиб бориши ҳам кузатилади;

2) биров тор маънода пропаганда деганда муайян синф, партия ва давлат мафкурасининг омма орасида тарқатиш, ёйиш, ўз тарафига оғдириш мақсадида олиб борладиган тушунтириш, ишонтириш ишларининг мажмуи тушунилади;

3) ғоявий тарбия тизимида пропаганда ва агитация муайян шиорларни аҳолига етказиш, оммани ҳаракатга келтириш мақсадида унга ғоявий-сиёсий таъсир ўтказиш[9:539].

Совет даврида чоп этилган, синфий ва партиявий ёндашув иллоти билан зарарланган адабиётларда, буржуа жамиятида пропаганда деганда фақат ёлғон-яшиқ ҳамда ижтимоий ҳаётдан йироқ шиорлар ва ғояларни омма онгига зўрлаб тиқиштириш тушунилади, деб ёзилган. Дарҳақиқат, пропаганда деганда инсон онги ва қарорига четдан туриб сунъий тарзда таъсир ўтказишни тушуниш кенг тарқалган. Муайян ғоя ё мафкура ҳақида фикр юритганда, “бу ҳаммаси пропаганда”, дейилганда – “бу ҳаммаси уйдирма” деган маъно англашилган. Яъни, пропаганда ва агитация атамалари салбий оҳангда қўлланила бошлаган[6:524].

Британия энциклопедияси: мазкур тушунчага бошқача таъриф беради: “Пропаганда турли тимсоллар, чунончи сўзлар, шиорлар, ёдгорликлар, куй-кўшиқлар орқали одамларнинг қарашлари ва эътиқодини ўзгартиришга бўлган тизимли уринишдир. Билим ва ғояларни тарқатишнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, пропаганда инсонлар онги ва хатти-ҳаракатини ўзгартиришга йўналтирилган бўлади. Пропаганда доимо бирор мақсад ёки мақсадлар мажмуига хизмат қилади. Ушбу мақсадларга эришмоқ қасдида пропаганда турли фактлардан энг мақбуллари танлаб олиб, уларни одамлар онгига энг самарали тарзда таъсир ўтказадиган қилиб талқин этади. Мақсадига эришиш учун пропаганда баъзи муҳим фактларни эътибордан соқит қилиши, ёинки атайин уларни тескари талқин қилиши мумкин. Айни пайтда пропаганда ўзи учун номаъқул бўлган ахборот манбаларидан аудиториянинг диққатини четга тортиши ҳам мумкин. Таълим тизимидан фарқли ўлароқ, пропаганда фактларни филтрлаши, ўзига керакларини қолдириб, бошқаларидан кўз юмиши, зарур бўлса, фактларни ўз манфаатига мослаб сохталаштириши мумкин”[10:332].

Л. Дуба ва Ж. Эллюль (Jacques Ellul) пропагандани аудиторияга рухий таъсир ўтказишнинг аввал бошидан режалаштирилган ва бир мақсадга йўналтирилган усули деб талкин этадилар. Уларнинг фикрича, бундай рухий таъсирнинг мақсади пропаганда олиб бораётган томонга одамларни оғдириш, уларнинг фикрини ўзгартиришдир.

Бинобарин, ким пропаганда олиб бораётган бўлса, ўша аудиториянинг онги ва шуурини назорат қилади. Пировард натижада пропаганда одамларнинг идроки ва тафаккурига таъсир ўтказадиган муайян структуралар, мавҳум тимсоллар мажмуи сифатида намоён бўлади. Мана шу жиҳати билан пропаганда Public Relations тушунчасига яқин келади[11:333].

Пропаганда сиёсий манипуляциянинг асосий воситаси ҳисобланади. Пропагандани реклама билан чалкаштириш жойиз эмас. Реклама ўз-ўзини тақдимотига ёки ахборот жанрига яқинроқдир. Ахборот жанрлари жуда турли туман бўлиб, улар орасида сиёсий, диний, тадбиркорлик жанрлари энг муҳимлари ҳисобланади. Аммо эълон, хабар булар барчасининг ўзагини ташкил этади.

Хабарнинг илк сигнал функцияси икки элементни – **экспрессия** ҳамда **суггестия**ни ўзида мужассам этсагина реклама энг юксак самарага эришади; экспрессия – юқори ҳиссиёт, эмоцияга эга бўлиш, суггестия эса, ишонтира олишдир. Конкрет сиёсий хатти-ҳаракатларга даъват этувчи реклама агитацияга айланади.

**Агитация** (лотинча *agitatio* – ҳаракатга келтириш, бирор фаолиятга ундаш) – одамларни бирор сиёсий ёки бошқа ҳаракатларга ундаш мақсадида уларнинг онги ва кайфиятига таъсир ўтказадиган оғзаки, ёзма, кўрғазмали мафкуравий фаолият тури.

Агитациянинг кумулятив (йиғинди) эффементи ижобий ва салбий томонлар орасидаги нисбатга, таъсир кўрсатишнинг формал ва ноформал каналларини тўғри танлай олишга боғлиқ бўлади. Агитациянинг пировард самараси молиялаштириш ҳажмига, креативлик (ижодий ёндошув, топқирлик) ва технологларнинг касбий маҳоратига боғлиқ бўлади; бу ўринда агитацияни аудиториянинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш, одамларнинг тафаккури, ижтимоий фаоллиги, ройишлиги ёки “найзавоз”лиги кабиларни аниқ ҳисобга олиш жуда муҳим ҳисобланади.

Агитациянинг пропагандадан фарқи қуйидагиларда намоён бўлади: агитация, энг аввало, одамларнинг ҳиссиётига таъсир ўтказишга мўлжалланган, пропаганда эса, ҳам ҳиссиётга, ҳам ақл-идрокка таъсир кўрсатади; агитация қисқа муддат давомида олиб борилади; пропаганда қисқа давр билан чегараланмаган, узоқ давом этиши мумкин. Агитация очиқ-ойдин, мақсадини

яширмай олиб борилади; пропаганда эса, пинҳона бўлиши, биринчи қарашда мақсади ноаён бўлиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, **негатив** (салбий) ҳамда **позитив** (ижобий) пропаганда ва агитация фарқланади.

**Позитив (конструктив) пропаганда** бирор фикрни истеъмолчига тушунарли тарзда лўнда қилиб етказишга мўлжалланган бўлиб, унинг асосий мақсади ижтимоий гармония (уйғунлик), барқарорлик ва тотувликни сақлаш, умумэътироф этилган қадриятларга мос равишда одамларни тарбиялашдан иборат.

Позитив пропаганда жамиятда тарбиялаш ҳамда ахборот етказиш функцияларини бажаради. Бундай тарғибот тор доирадаги манфаатдор шахслар манфаатини эмас, кенг доирадаги одамлар манфаатини ҳимоя қилади, кимга йўналтирилган бўлса, ўшаларнинг манфаати йўлида амалга оширилади, одамларни чалғитиш, онги билан манипуляция қилишни назарда тутмайди. Айни пайтда, умумэътироф этилган қадриятлар тарғиботсиз ҳам кенг оммага маълум ва мақбул бўлгани учун, конструктив пропаганданинг асл мақсади тарғиботчилар айтаётганидан фарқ қилади.

**Негатив (деструктив) пропаганда** одамларга у ёки бу қараш, қарор ёки фикрни зўрлаб “тиқиштириш” йўлидан боради, бу ўринда “мақсад воситани оқлайди” деган қадимий ғаразли қоидага амал қилади. Салбий тарғиботнинг мақади – ижтимоий адоват кўзга, низо ва можароларни авж олдириш, зиддиятларни кучайтириш, одамларда тубан инстинктларни алангалатишдир. Бундай пропаганда одамлар орасига рахна солади, бир-биридан ажратади, тарғиботчининг иродасига бўйсундиради. “Халқ душмани” образини яратиш технологияси аҳоли оммасини тарғиботчи теварагида жипслашган муте оломонга айлантиради, бу оломонга хоҳлаган машъум фикр ва қарорни сингдириш мумкин бўлади. Салбий тарғиботнинг асосий функцияси – воқеликнинг “оёғини осмондан” қилиш, хаёлий, сохта воқеликни вужудга келтириш, мавжуд қадрият, эътиқод ва қарашларни чаппасига айлантиришдир. Негатив пропаганда тор доирадаги шахсларнинг ғаразли манфаатлари йўлида омманинг ишонувчанлиги ва тезда оломонга айланишидан устмонлик билан фойдаланади, танқидий фикрга ўрин қолдирмайди, енгил-елпи шиорлар билан онгни чалғитади[12:336].

Йигирманчи асрда пропаганда ва агитация ўша даврнинг асосий зиддияти – икки кутбли дунёни бўлиб ташлаган мафкуравий қарама-қаршиликка хизмат қилди. Бир томондан – коммунистик пропаганда ва агитация, уладаси чиққан шиор ва даъватлар билан одамлар онгини чалғитишга уринар эди. Бу мақсадларни амалга ошириш учун мустабид тузум томонидан жуда катта куч,

маблағ сарфланар эди. Иккинчи томондан, молиявий ва моддий манбалари ошкора айтилмаса-да, Ғарб пропагандаси ва агитацияси тинмай одамлар онгини “қайта ишлаш” билан овора эди[6:129].

Икки қутбли дунё 1991 йилга келиб барҳам топди, капитализм ва социализм ўртасидаги глобал қарама-қаршилик тугади. Аммо инсон онги ва қалби учун кураш тўхтамади, тобора кучайиб, зўрайиб борди. Тарғибот ва ташвиқот механизмлари янада такомиллаштирилди, янги ғоялар ва янги қадриятларни тарғиб қилиш орқали геосиёсий мақсадларга эришиш режалари тузилди. Маънавий жиҳатдан зарарли, захарли ғоялар чиройли қобикқа ўраб тарқата бошланди. Биринчи президент Ислом Каримов неча бор огоҳлантирганидек, маънавий таҳдидлар миллатнинг истиклоли ва истикболи учун энг катта хатарга айланди[4:271].

Маънавий таҳдидларнинг олдини олишда шу соҳадаги тарғибот ва ташвиқот муҳим ўрин эгаллаши, бу аввало, муайян гуруҳ, миллат, жамият, ирк, этник гуруҳ, худуд халқларига маънавий тизим ва тамойилларни сингдиришга қаратилган тизимли ва мақсадли маърифий фаолиятни ифодаладиган жараён эканини қайд этиб, фалсафа фанлари доктори, профессор Қ.Назаров тушунчага қуйидагича таъриф беради: «Маънавий тарғибот» юртимиздаги турли миллат, ижтимоий тоифа, касбу корга мансуб бўлган кишиларни маънавий тажовузлардан огоҳликка чорлаш, мавжуд хавф ва таҳдидларнинг моҳиятини англаб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш, энг муҳими, миллий ғоя асосида халқни бирлаштириш, жипслаштириш, ёш авлод онги ва қалбида эзгу ғояларга садоқат туйғуларини тарбиялашга қаратилган усул ва амалий ҳаракатлар мажмуини англатадиган тушунча ҳамдир[5:17].

Одамлар қалби ва онгида юксак инсоний туйғуларнинг қарор топиши, жамиятда олижаноб фазилатлар устувор бўлишида «маънавий тарғибот» тушунчаси муҳим аҳамиятга эга. «Маънавий тарғибот» тушунчаси аслида таълим-тарбиянинг муҳим кўринишидир. «Тарғибот» атамасининг ўзагини «рағбат» сўзи ташкил этгани боис, у инсонни бирор ҳаракатга рағбатлантиришни назарда тутади. Ташвиқотга Қ.Назаров қуйидагича таъриф беради: “Ташвиқот” тушунчасининг ўзаги “**шавқ**” сўзидан олинган бўлиб, у кишида бирор нарсага шавқ, ишонч туйғуларини уйғоташга йўналтирилган. Демак, тарғибот-ташвиқотдан кўзланган асосий мақсад – нафақат билим орттириш, балки кишини бирор-бир хатти-ҳаракатга ундашдан иборат[5:18].

### **ХУЛОСА**

Кишилар онгини эски тузум асоратларидан халос этиш, улар қилбига янгича тафаккур, янги ғояларни сингдириш узоқ давом этадиган жараёндир. Маънавий тарғибот-ташвиқотнинг икки анъанавий йўли мавжуд. Биринчиси - инсоний

фазилатларни улуғлаш, юксак маънавиятли кишилар ҳаёти ва фаолиятини таърифлаш, уларни ибрат, намуна қилиб кўрсатиш орқали кечади. Иккинчи йўл эса иллатларни қоралаш, улардан халос бўлишга даъват, тарғиб-ташвиқ орқали амалга ошади. Бу восита биринчисига нисбатан самаралироқ. Шу сабабли ҳам эришилган ютуқларни холисона эътироф этиб, йўл қўйилган камчиликлар танқидий нуқтаи назардан баҳоланиши лозим. Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад - Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби қатор муҳим масалалардан иборат.

Ушбу бунёдкор ғоялар онги ва қалбига сингдирилган жисмоний ва маънавий соғлом авлодни вояга етказиш эса бир йиллик ёки ўн йиллик иш эмас, бунга ҳатто бир авлод умри ҳам камлик қилади. Буни англаб етмаслик, қандайдир хомхаёллар билан енгил-елпи тарғибот-ташвиқот юритиш кўзда тутилган катта мақсадларни обрўсизлантириб қўяди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Тошкент шаҳри, 2017 йил 28 июль.
2. Мирзиёев Ш.М. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқ. Нью-Йорк. 2017 йил 19 сентябрь. // Тошкент. “Ўзбекистон”. 2017.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. // “Халқ сўзи”, 2020 йил 25 январь.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. 2008.
5. Қиёмиддин Назаров. Маънавиятшуносликнинг долзарб масалалари. – Тошкент, “Мухаррир” нашриёти, 2010; ...
6. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Тошкент, “Мухаррир”, 2009.
7. Колеман Дж. Комитет 300. – Москва, 2008.
8. Советская энциклопедический словарь. М.: 1979. С.1081.
9. Философский энциклопедический словарь. М.: “Советская энциклопедия”. 1983. С.539
10. Британия энциклопедияси, propaganda мақоласи (инглиз тилида).
11. J. Ellul. Propagandes. Paris: A. Colin, 1962. Paris: Economica, 1990
12. Цуладзе А.М. Большая манипулятивная игра. М.: Алгоритм, 2000. — 336